

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1112-ҳадис

1112/2517 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّمَا رَجُلٍ أَعْتَقَ امْرَأً مُسْلِمًا، اسْتَنْقَذَ اللَّهُ بِكُلِّ عَضْوٍ مِنْهُ عَضْوًا مِنْهُ مِنَ النَّارِ».

1112.2517. Алий ибн Ҳусайннинг соҳиби Саъид ибн Маржона айтади:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу менга деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қай бир киши мусулмон одамни озод қилса, унинг ҳар бир аъзоси эвазига Аллоҳ бунинг бир аъзосини дўзахдан қутқариб олади»**, деганлар».

Саъид ибн Маржона айтади: «Сўнгра мен Алий ибн Ҳусайннинг олдига бордим. Шунда Алий ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳумо Абдуллоҳ ибн Жаъфар ўн минг дирҳамга [ёки минг динорга] баҳолаган қулининг олдига атайлаб бориб, уни озод қилиб юборди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI